

**“Навоий кон-металлургия комбинати”  
Акциядорлик жамияти акциядорларининг  
Йиллик умумий йиғилиши**

**1-сон баёни**

**2023 йил 26 октябрь**

**соат 12:00**

**Навоий ш.**

**Йиғилишда қатнашганлар:**

**Йиғилиш раиси**

Ж.А. Қўчқоров – Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазир ўринбосари – Иқтисодиёт ва  
молия вазири

**Акциядорлар**

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ  
акциядорлари ва уларнинг ишончли  
вакиллари  
(2023 йил 26 октябрь ҳолатига тузилган  
акциядорлар реестрига асосан)

**Таклиф этилганлар:**

**“Навоий кон-металлургия комбинати”  
АЖ ижроия органи ходимлари:**  
Қ. Санақулов, А. Равшанов, Е. Антонов,  
Қ. Тапаров, Ш. Аминов, М. Хаитова,  
У. Қодиров, Р. Авезов.

**“Deloitte and touche” МЧЖ  
аудиторлик ташкилотининг вакили  
Э. Аюпов**

Йиғилишга Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари –  
Иқтисодиёт ва молия вазири – Ж.А. Қўчқоров раислик қилди.

Умумий йиғилиш “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув  
кенгашининг 2023 йил 3 октябрдаги мажлиси қарорига асосан ўтказилди.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан 2023 йил  
20 октябрь ҳолатига “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик  
жамияти (кейинги ўринларда – “НКМК” АЖ) акциядорлари реестрига

мувофик, овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар эгалари рўйхати тақдим этилган.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, овоз берувчи акцияларга эга бўлган 2 та акциядор рўйхатдан ўтди:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – 14 700 000 000 дона оддий акция ёки 98,0 фоиз.

2. Давлат активларини бошқариш агентлиги – 300 000 000 дона акция ёки 2,0 фоиз.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддасига мувофик, агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, “НКМК” АЖнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Умумий овоз берувчи акцияларнинг **100 фоизи** қатнашганлиги сабабли, кворум мавжуд.

Йиғилиш раиси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва акциядорлар томонидан кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. “НКМК” АЖ акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котибини тайинлаш.

2. “НКМК” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

3. “НКМК” АЖ Саноқ комиссияси аъзоларини шахсий таркибини тасдиқлаш.

4. “НКМК” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.

5. “НКМК” АЖнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик хулосасини эшитиш.

6. “НКМК” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий ва эмитентининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботларини кўриб чиқиш.

7. “НКМК” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини белгилаш.

8. “НКМК” АЖнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш тўғрисида.

9. “НКМК” АЖ Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш тўғрисида.

### **1. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котибини тайинлаш.**

Акциядорлар умумий йиғилиши раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котиби этиб, “НКМК” АЖнинг Корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи – Э. Давронов номзоди тасдиқланди.

### **2. “НКМК” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидаги тартибда белгиланиши йиғилиш иштирокчиларига таклиф этилди:

- мажлис кун тартиби бўйича асосий маърузалар – 15 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича саволлар ва баҳслар – 10 дақиқагача;
- ҳар бир саволдан кейин мунозараларда нутқ сўзлаш.

Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарор:

*“НКМК” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансин:*

- мажлис кун тартиби бўйича асосий маърузалар – 15 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича саволлар ва баҳслар – 10 дақиқагача;
- ҳар бир саволдан кейин мунозараларда нутқ сўзлаш.

### **3. “НКМК” АЖ Санок комиссияси аъзоларини шахсий таркибини тасдиқлаш.**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 66-моддасига асосан Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг Санок комиссиясини қуйидаги таркибда сайлаб олиш таклиф этилади:

- Иткина Диана Маратовна;
- Костаев Умид Умирзокович;
- Камалбайев Соҳиб Сапармуратович.

Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарор:

*“НКМК” АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:*

- Иткина Диана Маратовна;
- Костаев Умид Умирзокович;
- Камалбайев Соҳиб Сапармуратович.

#### **4. “НКМК” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йи якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.**

2022 йил давомида “НКМК” АЖ Кузатув кенгаши томонидан 18 та мажлис ўтказилган бўлиб, уларда Жамият фаолиятидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга 60 дан ортиқ масалалар кўриб чиқилган.

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

*“НКМК” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи 1-иловага асосан маълумот учун қабул қилинсин.*

#### **5. “НКМК” АЖнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик хулосасини эшитиш ва муълумот учун қабул қилиш.**

“НКМК” АЖнинг 2022 йил фаолияти молиявий ҳисоботи натижалари 2023 йил 26 сентябрдаги “Deloitte and Touche” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг ижобий аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган.

Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш мақсадида жалб қилинган “Deloitte and Touche” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланган аудиторлик хулосаси тўғрисида ахборот берилди.

Ташқи аудитор хулосасига мувофиқ, молиявий ҳисобот Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ “НКМК” АЖнинг 2022 йил 31 декабр кунига молиявий ҳолати ҳамда 2022 йил 31 декабр ҳолатига молиявий натижалари ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатлари ишончли ёритилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, ташқи аудитор томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида чора-тадбирлар белгиланганлигини ва бу борада тегишли ишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида маълумот берилди.

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

*“НКМК” АЖнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик хулосаси 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.*

#### **6. “НКМК” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий ва эмитентининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботларини кўриб чиқиш**

“НКМК” АЖнинг 2022 йил учун “Deloitte and Touche” МЧЖ халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан аудит қилинган йиллик молиявий ҳисоботи ва эмитентининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи билан йиғилиш иштирокчилари таништириб ўтилди.

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

*“НКМК” АЖнинг 2022 йил учун йиллик молиявий ҳисоботи 3-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин ва эмитентининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.*

**7. “НКМК” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини белгилаш.**

“НКМК” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича ишлаб чиқилган тавсиялари билан Акциядорлар умумий йиғилиши иштирокчилари таништириб ўтилди. Хусусан, 2022 йил якуни бўйича соф фойданинг 100 % миқдори дивиденд сифатида тўланганлиги маълум қилинди.

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

*“НКМК” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси 100 % миқдорда дивиденд сифатида тўланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.*

**8. “НКМК” АЖнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш тўғрисида.**

Ишлаб чиқариш зарурати туфайли “НКМК” АЖнинг жорий ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди ҳамда “НКМК” АЖнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси умумий йиғилиш иштирокчиларига кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

“НКМК” АЖнинг ташкилий тузилмасини 5-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

*“НКМК” АЖнинг ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.*

**9. “НКМК” АЖ Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш тўғрисида.**

Йиғилиш иштирокчиларига “НКМК” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш лозимлиги ва унга сайланадаган номзодлар тўғрисида маълумот бериб ўтилди.

Номзодлар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

*“НКМК” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.*

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилди.

Умумий йиғилиш раиси Ж. Кўчқоров томонидан иштирокчиларга миннатдорчилик билдирилиб, умумий йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Мазкур баённома 2023 йил 26 октябрда имзоланди.

Умумий йиғилиш раиси



Ж. Кўчқоров

Умумий йиғилиш котиби



Э. Давронов

